Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш

# ШАРТНОМАСИ

2022 йил "5" 01 02/11 -сон Фарғона шаҳри
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Фарғона вилоят шиналастикада ИБЧСМ

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбар Ж.Ч. Косимов, бир томондан Низомга асосан фаолият юритувчи "Худудгаз Фарғона" газ таъминоти филиали (газ таъминоти ташкилоти номи кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), директор У. Касимов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

## I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади. Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 19696,96 куб.м, нархи 660 минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади: